

**ГЛОБАЛ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ҲОЛАТИ
ВА УЛАРНИНГ ҚАНДАЙ МУАММОЛАРГА ДУЧ КЕЛИШИ ЮЗАСИДАН
АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР**

Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

Аннотация:

мақолада ҳозирги глобал ўзгаришлар даврида Ўзбекистон аҳолисининг 2050 йилларгача ўзгариш ҳолати ва улар қандай муаммоларга дуч келиши юзасидан айрим фикрлар келтирилган. Бунда асосан қуйидаги учта муаммоларга қаратилган. Булар дунё миқёсида айрим ҳудудларда аҳолининг камайиши рўй бераётганлиги, жаҳон миқёсида қурғочликнинг кенгайиб бориши ва дунёда сув ресурсларининг танқислиги масалаларини ўз ичига олади. Ушбу масалаларнинг айрим йўналишлари аниқ маълумотлар асосида қараб чиқилган.

Калит сўзлар: дунё аҳолиси, аҳолининг камайиши, аҳолининг ўзгариши, унинг глобал муаммолари, қурғочлик, унинг оқибатлари, сув ресурслари, уларнинг танқислиги, сувдан фойдаланиш имкониятлари.

Мавзунинг долзарбилиги

Бугунги кунда аҳолининг ўсиши билан бир қанча мұаамолар ҳам юзага келади. Булардан биринчиси, аҳолига яшаш жойларини кўпайтириш лозим бўлади, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳам қўшимча имкониятларни ишга солишга мажбур қиласди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш каби иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ривожлантириш билан бирга улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун тегишли инфратузилмаларни яратиши ҳам талаб қиласди. Аҳолининг кўпайиши билан транспорт воситаларининг кўпайиши ҳам зарур тадбирлардан бирига айланади. Бунинг учун тегишли иш ўринларини яратиш, вояга етган аҳолини иш билан банд қилиш масаласи ҳам устувор вазифалардан бири сифатида бугунги кунда муҳим йўналишлардан бирига айланган. Буларнинг ҳаммасини ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш мумкин бўлади.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон аҳоли сони бўйича дунёда 43-ўринда бормоқда. Дунёдаги аҳолиси энг кўп 5 та давлатлар рўйхатининг биринчи ўринда Хитой (XXP) бўлиб, аҳолиси 1 425 887 337 кишини ташкил қиласди. Иккинчи ўринда Ҳиндистон жойлашган. Ушбу давлат аҳолиси 1 417 173 173 кишини ташил қиласди. Навбатдаги ўринда Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) бўлиб, ушбу давлат ҳолиси 338 289 857 кишидан иборат. Аҳоли сони бўйича тўртинчи ўринда Индонезия бўлиб, аҳолиси: 275 501 339 кишини ташкил қиласди. Бешинчи ўринда Покистон жойлашган. Ушбу давлат аҳолиси 235 824 862 кишини ташкил қиласди. Шу

даврда Ўзбекистон аҳолиси 36 024 946 кишини ташкил қилган ҳолда, юқоридла таъкидланганидек, 43-ўринда жойлашган¹.

Таҳлил ва натижалар

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, дунёда рўй бераётган глобал экологик ва ижтимоий муаммолардан энг йириклари қуидагилардан иборат бўлмоқда. Булар:

- дунё миқёсида айрим ҳудудларда аҳолининг камайиши;
- курғочликнинг кенгайиб бориши;
- сув ресурсларининг танқислиги.

Айнан шу муаммоларниң юзага келиши қандайдир йўналишларда аҳолининг камбағаллик даражасининг ўзгаришигга ҳам ўзининг таъсирини ўтказиб бориши тайин. Шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, дунёда содир бўладиган ҳодиса ва жараёнлар бирбири билан ўзаро боғлиқ. Айрим ҳодисалар аҳолининг бой бўлишига имконият яратадиган бўлса, айримлари унинг тескариси. Буларниң моҳиятини юқоридаги муаммолар йўналишларида қараб чиқамиз.

Биринчи муаммога эътиборни қаратадиган бўлсак, ҳозирча дунё миқёсида аҳолининг ўсиши кузатилмоқда. Аммо айрим ҳудудларда аҳолининг камайиши ҳам рўй бермоқда. Хусусан, Ўзбекистон аҳолисининг сони ҳозирча ўсмоқда. 1989 йилда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилган ва унда республика аҳолисининг сони 19,7 миллион кишини ташкил этган бўлса, “1990 йилда Ўзбекистон аҳолиси 20,2 млн нафарга кўтарилиган. 2000 йилда 24,5 млн, 2010 йилда 28 млн, 2020 йилда 33,9 млн нафарга етган. Статистика агентлигининг сўнгги маълумотларига кўра, 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, республика аҳолиси 36,8 кишини ташкил этган”².

Бундай ўсиш тенденцияси 2050 йилларгача сақланиб қолади. Чунки шу йилга келиб БМТ таҳлилчилари маълумотларига кўра мамлакатимиз аҳолиси 40,95 млн кишига этиши прогноз қилинмоқда³. Бироқ шу асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бизда ҳам аҳолининг пасайиши рўй бериши ҳақида аниқ маълумотлар ҳам келтирилмоқда.

Келажакда аҳолининг камайиши бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳар бир аёлнинг ўртacha бола туғиши даражасининг камайиши билан боғлиқдир. “Жумладан, 1990-1995 йилларда бир аёлга 3,95 нафар бола тўғри келган бўлса, 2010-2015 йилларда бу кўрсаткич 2,38 нафарни ташкил этган. Бугунги кунда эса бир аёлга 2,24 нафар чақалоқ тўғри келмоқда. Туғиши коэффициенти тобора пасайиб бориб, аср охирида 1,79 нафаргача камайиши таҳмин қилинмоқда”⁴. Булар асосида хулоса қилиш мумкинки, келажакда мамлакатимиз аҳолиси ҳам камайиш тенденциясига эга бўлади.

¹ <https://www.stat.uz/ru/60-poleznaya-informatsiya/5902-naselenie-uzbekistana%20%3Chttps://www.stat.uz/ru/60-poleznaya-informatsiya/5902-naselenie-uzbekistana%3E;>

² <https://kun.uz/kr/news/2024/02/10/1991-yildan-keyin-possovet-davlatlaridagi-demografik-vaziyat-qanday-ozgardi>.

³ <https://zamin.uz/jamiyat/22662-2050-yilga-kelib-ozbekiston-aholisi-qancha-bolishini-bilasizmi.html>. 09:37 / нашр қилиниши: 20.06.2022

⁴ Ўша жойда.

Таҳлиллар кўрсатишича бугунги кунда 1990-1995 йилларга нисбатан аёлларнинг ўртача туғиши даражаси 56,7 %ни ($2,24*100/3,95$) ташкил қиласди. Шу асрнинг охирига бориб бунинг миқдори 45,3 %ни ($1,79*100/3,95$) ташкил қиласди.

Иккинчи муаммо, бевосита аҳолининг пасайиши билан бирга глобал муаммолардан бири бўлган экологик вазиятнинг ўзгариши билан ҳам боғлиқдир. Хусусан, 2050 йилга келиб БМТ Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш ташкилоти баёнотига кўра қурғоқчилик дунё аҳолисининг тўртдан уч қисмидан кўпроғига, яъни 75 фоиздан ортигига таъсир қилиши мумкин экан.

Бундай глобал экологик ўзгаришларга қарши курашнинг таъсирчан чораларини ишлаб чиқишини тақозо қиласди. Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш ташкилоти инсоният ва атроф-муҳит билан боғлиқ ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш учун тегишли чоралар кўриш зарурлигини таъкидламоқдалар. Буларнинг ечимларидан бири сифатида “Қурғоқчиликка қарши биргалиқда курашамиз” шиори остида фаолият юритиш лозимлигини таъкидламоқда.

Халқаро ташкилотлар маълумотига кўра, қурғоқчилик глобал исиш ва сув ресурсларининг камайиши туфайли дунё бўйлаб ортиб бораётган тенденциядир. Жаҳон Метеорология Ташкилотининг 2021 йилги ҳисоботига кўра, 2000 йилдан буён қурғоқчиликнинг сони ва давомийлиги 29 фоизга ошган. Бундан ташқари, ЮНИСЕФ маълумотига кўра, 2040 йилга бориб ҳар тўрт боладан бири қурғоқчиликдан азият чекадиган худудда яшайди, деб таҳмин қилинмоқда⁵.

Бу масалага худудлар бўйича ёндошиладиган бўлса, энг кўп зарар кўрадиган худуд Африкага тўғри келмоқда. Чунки сўнгти йигирма йил ичида 134 та қурғоқчилик ҳолати ана шу қитъада кузатилганлиги аниқланган. Бу экологик муаммо катта катта оғатларга ҳам олиб келиши мумкин. Жумладан, “1900 йилдан 2019 йилгача қурғоқчилик билан боғлиқ сабаблар туфайли 11,7 миллион киши ҳалок бўлган”⁶.

Қурғоқчилик билан боғлиқ ҳолатлар Европада ҳам содир бўлмоқда. Жумладан, “охирги ўн йил ичида Европада 45 та қурғоқчилик содир бўлди ва бунинг оқибатида қитъа қуруқлик массасининг 15 фоизи ва аҳолининг 17 фоизи зарар кўрди. Зарар миқдори эса 27 миллиард доллардан ошиб кетди”⁷. Агар ушбу масалани АҚШ мисолида қарайдиган бўлсак, айнан шу мамлакатда ўтган асрда қурғоқчиликнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига етказган зарари 250 миллиард долларга етганлиги хабар қилинмоқда.

Қурғоқчилик дунёда, энг тез-тез учрайдиган табиий оғатлардан бирига айланди. Қайд этиш жоизки, бир худудда қурғоқчилик муаммоси пайдо бўлган бўлса, яна бир худудда сув тошқинлари ҳам содир бўлмоқда. Бу иккала омил ҳам ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига ҳар томонлама зарар қиласди. Булардан бири ўлимларнинг ҳам содир бўлиши билан боғлиқдир. Бунинг ҳам аксарияти Осиё мамлакатларида содир бўлган. Хусусан, Ҳиндистон ялпи ички маҳсулоти табиий оғатлар туфайли 2-5 фоизга қисқарган.

⁵ https://uz.aуз/uz/posts/2050-yilga-kelib-qurgoqchilik-dunyo-aholisining-75-foizdan-ortigiga-tasir-qilishi-mumkin_382753

⁶ Ўша жойда.

⁷ Ўша жойда.

Курғоқчилек оқибатида бир қанча құшымча муаммолар ҳам келиб чиқади. Жумладан, 2000 йилдан бері Австралияда қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариш 18 фойзга камайған. Бу дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини ҳам келтириб чиқаради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айни пайтда, Сомали, Зимбабве, Жибути, Мавритания ва Жанубий Африка курғоқчилек хавфи юқори бўлган давлатлар қаторига киради.

Учинчи муаммо, 2050 йилга келиб Ернинг 5 миллиарддан ортиқ аҳолиси у ёки бу даражада сув танқислиги муаммосига дуч келиши ҳам прогноз қилиған. Бу ҳақда Бутунжаҳон метеорология ташкилоти (ВМО) “Глобал сув ресурсларининг ҳолати” ҳисоботида айтилған. Экологиянинг ўзгариши иқлим ўзгаришига, булар эса, мамлакатлар иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларга олиб келади. Ер сув ресурсларига таъсири таҳлили натижаларининг биринчи ҳисоботини эълон қилди. Ушбу ҳужжатда келтирилган маълумотларга кўра ВМО чучук сув заҳираларининг глобал ҳажми ҳақида маълумотлар бериш орқали аниқ тасаввурни уйғотади.

Хозирги пайтда ер криосферасининг (қор ва муз) ҳолати ҳам заифлашиб қолганлигидан далолат бермоқда. Ҳозирги пайтда дунё миқёсида тез-тез қурғоқчилекнинг содир бўлиши ҳам янги нормага айланғанлигини кузатиш мумкинлиги таъкидламоқда. Жумладан, 2021-2023 йиллар давомида дунёнинг катта қисми одатдагидан кўра қуруқроқ об-ҳаво шароитини бошдан кечирди.

ЖСТ Бош котиби профессор Петтери Таалас таъкидлаганидек, «Сўнгги йилларда иқлим ўзгаришининг оқибатлари сув ресурслари орқали тобора кўпроқ сезилмоқда: биз кўпроқ кучли ва тез-тез қурғоқчилек, экстремал тошқинлар, нотекис мавсумий ёғингарчилек ва музликларнинг тез эришини кўрмоқдамиз»⁸ ҳам ҳақиқат.

“Бундай ўзгаришлар иқтисодиётлар, экотизимлар ва қундалик ҳаётимизнинг деярли барча жабхаларига кескин таъсир кўрсатади. Узок йиллик изланишларга қарамай, биз ҳалигача чучук сув ресурсларининг тақсимланиш мантигини, шунингдек, улар билан содир бўладиган миқдорий ва сифат ўзгаришларини тўлиқ тушунмаяпмиз”⁹.

Глобал сув муаммоларини ҳал қилиш масаласи бўйича дунё миқёсида билимнинг етарли эмаслиги кузатилмоқда. Ушбу бўшлиқни тўлдириш учун профессор Таалас таъкидлаганидек, “Тақдим этган маълумотлар ва таҳлиллар иқлим ўзгаришига мослашиш ва юмшатиш учун зарур бўлган инвестицияларни самарали тақсимлашни” йўлга қўйиш лозимdir. Зоро, “айни пайтда 3,6 миллиард одам йилнинг камида бир ойи сувдан етарли даражада фойдалана олмаслик муаммосига дуч келмоқда. Бу кўрсаткич 2050 йилга бориб беш миллиарддан ошиши кутилмоқда”¹⁰.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, шу XXI-асрнинг бошидан ҳозиргача “Ер юзидаги барча табиий оғатларнинг 74 фойзи сув билан боғлиқ бўлмоқда. Яқинда бўлиб ўтган БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича 27-конференциясида сув биринчи марта форумнинг якуний ҳужжатида муҳим кўрсаткич ва муҳим ресурс сифатида тилга олинди”¹¹.

⁸ <https://nuz.uz/uz/zahahaha/1208151-2050-jilga-kelib-erning-5-milliarddan-orti%D2%9B-a%D2%B3olisi-suv-tan%D2%9Bisligiga-duch-keladi.html>

⁹ Ўша жойда.

¹⁰ Ўша жойда.

¹¹ Ўша жойда.

Хулоса қилиб айтганда, дунё миқёсида содир бўлаётган аҳолининг қисқариши, қурғоқчилик ва сув танқислиги билан боғлиқ бўлган глобал муаммолар мамлакатимизга ҳам тегишлидир. Ушбу муаммолар албатта жуда катта куч ва имкониятларни ишга солишини ақозо қиласиди. Бундай муаммоларнинг мавжудлиги албатта аҳолининг камбағаллик ҳолатига тушиб қолишига ҳам олиб келади. Бунга йўл қўймаслик учун бир қанча тавсияларни ишлаб чиқдик. Булар:

Биринчидан, дун миқёсида аҳолининг камаймаслигини таъминлаш учун наслни сусайтирадиган омиллар (ичкилиkbозлиқ, гиёхвандлик, оммавий маданият, бир жинсли никоҳ кабилар) билан курашиш керак бўлади.

Иккинчидан, дунё миқёсида сувга эҳтиёжнинг бир қисмини ер ости сув ресурсларидан фойдаланган ҳолда мавжуд эҳтиёжларнинг таъминотини йўлга қўйиш лозим бўлади.

Учинчидан, сувни ишлатиш жараёнида тежамкорликка қаттиқ амал қилиш, агар соҳада асосан томчилатиб сугоришни дунё миқёсида йўлга қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Сувни ет қаридан чиқариш ва томчилатиб сугориш жараёнида қуёш панелларидан фойдаланган ҳолда қайта тикловчи энергия ресурсларидан фойдаланишини йўлга қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, қишиш ва баҳор фаслида ёғингарчилик имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун сувларни захири қиладиган ҳавузларни ташкил қилиш ҳам лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун сув оқадиган барча худудларда сувдан фойдаланилмайдиган мавсумларда сув омборларини ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, глобал муаммолар ҳозирги пайтда аста-секинлик блан ўз кўламини кенгайтириб бормоқда. Уларнинг олдини олиш учун бир қанча тадбирларни қўллашни дунё мамлакатлари билан биргаликда ҳал қилишга киришиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ти ПФ-158-сонли фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномаси. // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
3. Пардаев М.Қ., Пардаева О.М. Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши ва фаровонлик даражасининг Марказий Осиё давлатлари билан қиёсий таҳлили. // “Сервис” илмий-амалий журнал. 2022 йил. 4/2-сон. – 9-15 бетлар.
4. <https://www.stat.uz/ru/60-poleznaya-informatsiya/5902-naselenie-uzbekistana%20%3Chttps://www.stat.uz/ru/60-poleznaya-informatsiya%20%3E/>
5. <https://kun.uz/kr/news/2024/02/10/1991-yildan-keyin-possovet-davlatlaridagi-demografik-vaziyat-qanday-ozgardi>.
6. <https://zamin.uz/jamiyat/22662-2050-yilga-kelib-ozbekiston-aholisi-qancha-bolishini-bilasizmi.html>. 09:37 / нашр қилиниши: 20.06.2022

7. https://uza.uz/uz/posts/2050-yilga-kelib-qurgoqchilik-dunyo-aholisining-75-foizdan-ortigiga-tasir-qilishi-mumkin_382753.
8. <https://nuz.uz/uz/zahonda/1208151-2050-jilga-kelib-erning-5-milliarddan-orti%D2%9B-a%D2%B3olisi-suv-tan%D2%9Bisligiga-duch-keladi.html>.